

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Мамлакатда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда ҳудудларни бир маромда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 8-9 июль кунлари Тошкент шаҳрида «яшил» иқтисодиёт бўйича норматив-ҳуқуқий базани ва сиёсатни такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатлари орқали инновацион «яшил» инвестицияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Европа ва МДХ давлатларининг «яшил» иқтисодиёт бўйича минтақавий вазирликлар конференцияси ўтказилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил иқлимнинг ўзгариши шароитида самарали, ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашда ўзаро боғлиқ муаммолар ва эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда ва иссиқхона газлари ажратмаларининг ортишига олиб келмоқда.

Иқтисодиёт энергия самарадорлигининг паст даражаси, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, технологиялар янгиланишининг сустлиги, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокининг етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсадлар ва вазифаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги «яшил» технологияларни жорий этиш ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегиясида](#) белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) мажбуриятлари бажарилишини ва Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

«яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

2. Қуйидагилар:

а) 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва қуйидагилар уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш;

энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш;

иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш;

«яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш;

б) Стратегияни амалга оширишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлари тасдиқлансин:

иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш;

икки карра энергия самарадорлиги кўрсаткичини ошириш ва ялпи ички маҳсулот углерод сарфи ҳажмини камайтириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоиздан кўпроғига етказиш;

100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортни ривожлантириш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20 — 40 фоизгача ошириш;

ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20 — 25 фоизгача оширишга эришиш.

3. Асосий мақсади Стратегияни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил қилишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш бўйича идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) **2-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

Идоралараро кенгаш ҳар йили 10 ноябрга қадар Стратегияни амалга ошириш бўйича келгуси йилга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Идоралараро кенгашга, шу жумладан унинг ишчи органи фаолиятини ташкил этиш орқали ҳар томонлама кўмаклашиш;

«яшил» иқтисодиётни босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳисоботлар юритишнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлаш.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига — Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирига (Б.А. Ходжаев) — ялпи ички маҳсулотнинг углерод сарфи ҳажмини камайтириш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларини қўллаган ҳолда саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирига (А.С. Султанов) — энергия самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, экологик жиҳатдан яхшилانган тавсифларга эга мотор ёқилғисини ишлаб чиқаришни ва ундан фойдаланишни кенгайтириш, замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирига (Ж.А. Ходжаев) — асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, томчилатиб суғориш технологияларини самарали жорий этиш, шунингдек, ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазир (Ш.Р. Хамраев) ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига (М.Х. Салиев) — сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисига (Б.Т. Қўчқоров) — «яшил» иқтисодиётни жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилишини экологик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати мониторинги натижаларини умумлаштириш;

вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Стратегияда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилишни таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 октябрь,
ПҚ-4477-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарорига
1-ИЛОВА

2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш

СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилди ва уни амалга ошириш юзасидан миллий миқёсда белгиланадиган ҳисса бўйича — 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш миқдорий мажбуриятини қабул қилди.

Париж битими мажбуриятларини бажариш доирасида иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш бўйича ўрта муддатли устувор вазифалар мамлакатда

иктисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Оролбўйида экологик танглик оқибатларини бартараф этишни назарда тутадиган қатор стратегик ва тармоқ режалари, дастурлари, шунингдек, норматив-ҳукукий ҳужжатлар орқали амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, иктисодиётнинг энергия самарадорлиги етарли даражада эмаслиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, технологиялар янгилашнинг сустлиги, «яшил» иктисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнеснинг фаол иштирок этмаётгани миллий иктисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун иктисодий ривожланиш жараёнларига иктисодиётнинг барча тармоқларида кам углерод сарфлаган ҳолда ривожланиш ва ресурсларни тежаш, самарали ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, шунингдек, барқарор қишлоқ хўжалигига йўналтирилган «яшил» иктисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали табиий ва энергия ресурсларидан фойдаланиш усуллари тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Бунда узоқ муддатли истиқболда «яшил» иктисодиётга ўтиш қуйидаги асосий тамойилларга асосланиши керак:

барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсад ва вазифаларга мувофиқлик;
ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш;
иктисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий мезонларни киритиш;
ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун «яшил» воситалар ва ёндашувларни қўллаш устуворлиги;

энг муҳим тармоқларда рақобатбардошликни ошириш ва кўрсаткичларни яхшилаш, «яшил» иш ўринларини яратиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш орқали мавжуд макроиктисодий мақсадларга эришиш;

ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш.

Шу муносабат билан иқлим ўзгариши масалаларини миллий иктисодиётнинг барқарор ривожланишига интеграция қилишга йўналтирилган 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иктисодиётга ўтиш стратегиясини (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

2-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари

1. Стратегиянинг асосий мақсади мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотларга «яшил» иктисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иктисодий тараққиётга эришишдан иборат.

2. Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш зарур:

технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иктисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иктисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига

«яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

«яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

3-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

§ 1. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш

3. Электр энергетика соҳасида:

буғ-газли ва газ турбинали қурилмалар негизида юқори самарали технологияларни жорий қилиш орқали ишлаб турган электр станцияларининг энергия ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш;

энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистрал электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш;

ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан электр тармоқлари режимларини мақбуллаштириш, реактив қувват ва тармоқ схемаларини компенсация қилиш;

технологик жараёнларнинг автоматлашганлик даражасини ошириш, ташиш ва тақсимлашга сарфланадиган электр энергияси ҳажмини қисқартириш;

электр энергияси истеъмоли тизимларини автоматик назорат ва ҳисобга олиш асбоблари билан тўлиқ жиҳозлаш.

4. Иссиқлик энергетикаси соҳасида:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқишнинг янги технологиялари, шу жумладан марказий қозонхоналарда когенерация технологиялари, буғнинг ўта суперкритик кўрсаткичларига эга кўмир буғ-турбинали энергия блоклари технологияларини жорий этиш;

қозонхоналарнинг эскирган асбоб-ускуналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш;

турбокомпрессор қурилмалари чиқинди газлари иссиқлигини утилизация қилиш;

иссиқлик тармоқлари жойлашувини мақбуллаштириш ва модернизациялаш;

иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялашда замонавий, иссиқликни ўтказмайдиган материаллардан фойдаланиш;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва ташиш тизимини истеъмолчилар сонини ҳисобга олган ҳолда автоматлаштириш, диспетчерлаш ва мақбуллаштириш;

истеъмолчиларни замонавий ҳисоблагичлар билан таъминлаш;

қозонхоналарда сувни иситиш учун гелиоколлекторлардан фойдаланиш.

5. Нефть ва газ саноати соҳасида:

углеводород ресурслари йўқотилиши назоратининг самарали технологиялари (SCADA)ни жорий қилган ҳолда компрессор станциялар, паст ва ўрта босимли газ тақсимловчи тармоқлар, шунингдек, газ-транспорт тизимини модернизациялаш ҳисобига табиий газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш, ташиш ва тақсимлашдаги йўқотишларни камайтириш;

газ билан таъминлашни ҳисобга олиш ва уни тақсимлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш;

нефть ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашда иссиқхона газларининг ажратмаларини қисқартириш;

нефтьга қўшилиб чиқадиган газларни утилизация қилиш ва чуқур қайта ишлаш жараёнларини жорий этиш натижасида уларни ёндиришдан ҳосил бўладиган иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш;

нефть ва газ қазиб чиқариш объектларида муқобил энергия манбаларини жорий этиш;

электр энергияси ишлаб чиқариш учун чиқувчи газлар иссиқлигини утилизация қилиш.

6. Кимё саноати соҳасида:

аммиак, азот кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва энергия самарадорлиги юқори янги қувватларни яратиш;

электр энергияси ишлаб чиқариш учун энергия сарфи ҳажми катта бўлган кимёвий жараёнларнинг иссиқлигини утилизация қилиш технологияларидан фойдаланиш;

йирик тоннажли техноген чиқиндилардан саноатда фойдаланишни жорий этиш.

§ 2. Энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш

7. Қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида:

қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш, шунингдек, ҳар йили қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи янги қувват ишлаб чиқариш объектларини Ўзбекистоннинг Ягона электр энергетика тизимига хавфсиз интеграция қилиш техник жиҳатларини эътиборга олган ҳолда уларнинг жойлашувини белгилаш;

тариф сиёсатини такомиллаштириш ва мазкур соҳада қулай рақобат муҳитини рағбатлантириш мақсадида янгидан ишга тушириладиган қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари, хусусан куёш, шамол ва биогаз станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини харид қилишнинг чегараланган (максимал даражада йўл қўйиладиган) тарифларини тасдиқлаш;

қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳаларини амалга ошириш доирасида электр энергетикаси бозорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар киришини рағбатлантирувчи аукцион савдоларини жорий этиш орқали салоҳиятли инвесторларни рақобат асосида танлашнинг замонавий ва шаффоф услубларини шакллантириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида амалдаги стандартларни таҳлил қилиш ва миллий стандартларни ушбу соҳадаги халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш;

энергетика баланси тузилмасида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш учун йирик, ўрта, кичик ва микроГЭСлар, шамол генераторлари ва гелиостанцияларни лойиҳалаштириш ва қуришда замонавий асосланган илмий-техник ечимларни жорий этиш;

электр тармоқларининг энергия самарадорлиги ва ишончилигини ошириш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва электр қувватига талаб кучайганда захира қувватларни ўз вақтида ишга тушириш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқаришнинг номарказлаштирилган тизимларини жорий этиш орқали электр таъминоти тизимларини модернизациялаш ва қайта қуриш;

электр энергиясини ишлаб чиқиш ва тақсимлаш балансини қайта тикланувчи энергия манбаларини алоҳида ажратган ҳолда мониторинг қилиш;

энергия тизимларига уланиш орқали ишлаб чиқарилган энергияни тўплаш технологияларини ривожлантириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия олиш учун ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

мавжуд ГЭСларнинг энергия ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш;

кичик деривацион ГЭСлар ва уларнинг инфратузилмаларини қуриш;

республиканинг қишлоқ жойлари ва узоқ ҳудудларида электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун куёш батареяларини жорий этиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича намоёиш марказларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия самарадорлиги масалалари бўйича аҳолини кенг хабардор қилиш.

8. Биноларни қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида:

биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш, шу жумладан кўп қаватли уй-жой ва шахсий уй-жой фондини реконструкция қилиш;

курилиш меъёрлари ва қоидаларини қурилиш ва реконструкцияни амалга оширишда энергия самарадорлиги талабларини кучайтириш юзасидан ҳар 5 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқиш;

биноларни қуриш ва улардан фойдаланишда қурилиш меъёрларига риоя қилишни назорат/мониторинг қилиш тизимини яратиш;

биноларни қуриш ва реконструкция қилишда энергия самарадорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда архитектура-режалаштириш ечимларига бўлган ёндашувларни такомиллаштириш;

биноларни энергетик сертификатлаштириш тизимини яратиш;

иссиқни сақловчи қурилиш материаллари учун амалдаги меъёр ва стандартларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини қабул қилиш;

энергия самарадор шаклда таъмирлаш учун ипотека кредитлари тизимини ривожлантириш, хусусан «яшил» ипотека кредитларидан фойдаланиш;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида кўп қаватли биноларни энергия самарадор шаклда таъмирлаш учун мақсадли фондлар яратиш;

энергияни тежашни рағбатлантириш учун табақалаштирилган тарифлар тизимини ривожлантириш;

биноларни замонавий иссиқ сақловчи материаллар, стеклопакетлардан фойдаланган ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш технологияларини такомиллаштириш;

муҳандислик ускуналари, иссиқ сақловчи материаллар, иситиш ва совитиш тизимларини ишлаб чиқиш технологияларини «яшил» стандартлар асосида ривожлантириш ва модернизациялаш;

марказий иситишда иссиқлик таъминотининг «ёпиқ» тизимини кенг жорий этиш;

шаҳарлар ва қишлоқлардаги жамоат бинолари, кўп қаватли турар жойлар ва шахсий уй-жой фондини иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун юқори самарали автоматлаштирилган тизимли маҳаллий қозонхоналардан фойдаланиш;

параллел ишлайдиган истеъмолчилар тизимига иссиқликни бир текис етказиш мақсадида иссиқлик бўғинлари тартиботини бошқариш учун smart-тизимлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

алоҳида бинолар эҳтиёжларини ҳисобга олувчи юқори технологияли совитиш ва вентилизация тизимларидан, масалан, иссиқлик насоси функцияси бўлган split-кондиционерлардан фойдаланиш;

маиший ускуналар учун энергия самарадор стандартларни жорий этиш;

энергия таъминоти манбаи сифатида фотоэлектрик панелларни жорий этиш;

биноларни ёритиш учун smart-тизимларни ишлаб чиқиш ва замонавий энергия самарали лампалардан кенг фойдаланиш;

аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари бўйича кенг ахборот кампанияларини ўтказиш.

9. Транспорт соҳасида:

транспорт харажатларини қисқартириш ва транспорт соҳасининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган ягона комплекс ривожланиш сиёсатини шакллантириш, шаҳарни узоқ муддатли ривожлантириш режалари ва экологик хавфсизлик чораларига мувофиқ «яшил» транспортни ривожлантириш;

Евро-4 ва ундан юқори стандартларга мос келувчи энергия самарадорлиги ва экологик тавсифлари яхшиланган автотранспорт воситалари, электромобиллар, гибрид двигателли автомобиллар ва газ ёқилғисида ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш;

яхшиланган тавсифга эга мотор ёнилғиларини ишлаб чиқариш;

автотранспорт паркинни янгилашда давом этиш, эски автомобилларни утилизация қилиш ва янги, янада экологик автомобилларни сотиб олишни рағбатлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиш;

жамоат транспортининг самарали тизимларини яратиш ва такомиллаштириш (яхшиланган тавсифга эга жамоат транспорти улушини ошириш);

янги транспорт-логистика тизимларини яратиш ва ривожлантириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш;

фойдаланилаётган транспорт воситаларининг экологик ҳолати устидан давлат назоратини кучайтириш.

10. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида:

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда иккиламчи ресурслар ва саноат тармоқлари (энергетика, металлургия, кимё саноати)нинг йирик тоннажли техноген чиқиндиларидан фойдаланиш ҳажмларини ошириш;

қуйидаги қурилиш материаллари: цемент, ғишт, оҳак, автоклав усулидан фойдаланган ҳолда газобетондан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқариш, иссиқ сақловчи материаллар, том ёпиш материаллари, ёғоч-қириндили плиталарни ишлаб чиқариш бўйича инновацион энергия самарадор технологияларни жорий этиш;

иссиқликни утилизация қилиш технологиялари ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи технологик жараёнларни қўллаган ҳолда цемент ишлаб чиқаришнинг ривожланган технологияларини (қуруқ усул) жорий этиш.

§ 3. Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш

11. Сув хўжалиги соҳасида:

сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерлар шўрланиши ва сифат жиҳатидан ёмонлашуви давом этишининг олдини олиш;

гидротехник иншоотлар, насос станциялари ва сув омборлари қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

сув хўжалигида ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялардан кенг фойдаланиш;

сув хўжалиги иншоотларини янгилаш, модернизациялаш ва автоматлаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг энергия самарадор ва сувни тежайдиган технологияларини кенг қўллаш, сувни тежашни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

сув ресурсларини барқарор бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш.

12. Қишлоқ хўжалиги соҳасида:

таназзулга учраган яйловларни тиклаш ва яйловларни барқарор бошқариш механизмларини жорий этиш;

органик қишлоқ хўжалиги услубларини жорий этиш;

ҳайдаладиган ер майдонлари юзасининг доимий қопланиб туришини таъминлаш мақсадида экинларни тақрор экиш;

экинларни диверсификация қилиш (кўп йиллик дарахтлар ва кўп йиллик ўтлар экилишини кенгайтириш);

ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймат занжирини яратиш;

чорвачиликнинг органик чиқиндиларини тўғри сақлаш/қайта ишлаш;

сув манбаларининг қишлоқ хўжалиги чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;

шўрланиш, қурғоқчилик ва бошқа хавфли ҳодисалар ва хатарларга бардошли юқори маҳсулдор чорва мол ва ўсимлик турлари (навлари)ни етиштириш, маҳаллий чорва турлари ва ўсимлик навлари генофондини, шунингдек, маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодлари генофондини сақлаш.

13. Ўрмон хўжалиги соҳасида:

мамлакатнинг барча табиий зоналарида ўрмонларни тиклаш ва табиий ўсимлик қопламини сақлаш;

мамлакатнинг тоғли, тоғолди ва чўл зоналарида ўрмон майдонларини кенгайтириш, шунингдек, уларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш;
тез ўсадиган маҳаллий дарахт турлари плантацияларини кенгайтириш;

тупрокни ҳимояловчи ихота дарахтзорларини яратиш, таназзулга учраган ерларда ўрмонлар барпо қилиш (агроўрмон мелиорацияси);

ўрмонларни кўпайтириш ва кўкаламзорлаштириш жараёнида шўрланиш, курғоқчилик ва бошқа хавфли ҳодиса ва хатарларга бардошли маҳаллий ўсимлик турлари ва навларидан фойдаланиш;

ўрмон хўжалигини замонавий юқори ишлаб чиқариш технологияларини қўллаган ҳолда такомиллаштириш;

ўрмон хўжалигида геоахборот технологиялари ва инновациялардан кенг фойдаланиш; аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ўрмонларни муҳофаза қилиш ва тиклаш масалалари бўйича кенг ахборот кампанияларини ташкил қилиш.

14. Қаттиқ маиший чиқиндилар (кейинги ўринларда — ҚМЧ) билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида:

аҳолининг ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

ҚМЧларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;

полигонларга кўмиш учун йўналтирилаётган ҚМЧ ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий ҚМЧ полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш чора-тадбирларини кўриш;

санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида нархлар шаклланишини такомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

15. Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чоралари:

Орол денгизи акваториясидаги табиий сув ҳавзалари тизимини сақлаш;

Орол денгизининг қуриган тубида дарахтзорлар барпо қилиш ва минтақада чўлланишнинг олдини олиш бўйича кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш;

Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси доирасида минтақа мамлакатларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва унинг институционал асосларини янада такомиллаштириш, шунингдек, Орол фалокати билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб қилишга қаратилган ҳаракатларни фаоллаштириш.

§ 4. «Яшил» иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш

16. «Яшил» технологияларни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш:

технологик эҳтиёжларни баҳолаш, устувор вазифаларни белгилаш ва энг муҳим технологияларни танлаш, уларни ишлаб чиқиш/трансферга кўмак бериш;

«яшил» технологияларни тижоратлаштириш механизмларини ривожлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун ташкилий тузилмалар — технологияларни етказиб бериш агентликлари, технологик бизнес-инкубаторлар, технопарklar, кластерлар яратиш.

17. «Яшил» иқтисодий соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш:

Стратегиянинг устувор йўналишларини қамраб олувчи норматив-ҳуқуқий базани инвентаризация қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

иқтисодий чоралар ва воситалар ишлаб чиқиш, хусусан, иссиқхона газларининг ажратмаларини қисқартирганлик учун ҳақ тўлашни жорий этиш;

энергия самарадорлигига қўйиладиган мажбурий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

18. Энергия самарадорлигини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини ривожлантириш:

энергия тежаш ва энергия самарадорлиги бўйича мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, верификациялаш ва ҳисоботини юритиш тизимини жорий этиш;

энергия сарфи ҳажми юқори бўлган корхоналарнинг энергоменежменти ва аудитини ўтказиш;

барча тоифадаги истеъмолчилар, шу жумладан саноат ва энергетика объектлари учун электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган давлат тизимини ривожлантириш.

19. «Яшил» иқтисодиёт тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш:

«яшил» иқтисодиёт асослари, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, «соф» транспортни ривожлантириш, энергия тежаш ва бошқа масалаларни эътиборга олган ҳолда олий ва ўрта махсус таълимнинг тегишли йўналишлари ўқув дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, умумий ўрта таълимнинг тегишли дастурларига «яшил» иқтисодиёт асослари бўйича мавзулар киритиш;

олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим учун тегишли ўқув адабиётларини (йўналишлар бўйича) тайёрлаш ёки қайта нашр этиш жараёнида уларга «яшил» иқтисодиёт асослари бўйича мавзулар киритиш;

педагог ва илмий ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига «яшил» иқтисодиёт асослари, хусусан, «Яшил технологиялар», «Яшил мезонларни ҳисобга олган ҳолда экологик меъёрлаштириш асослари», «Қайта тикланувчи энергия манбалари технологиялари», «Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги муаммолари» мавзуларини жорий этиш;

«яшил» технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш.

20. «Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун салоҳиятни ошириш ва қулай муҳит яратиш:

мамлакатимизнинг Париж битими бўйича миқдорий мажбуриятлари бажарилишини узлуксиз кузатиш учун иссиқхона газлари ажратмаларини миллий шароитларни эътиборга олган ҳолда мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш ва верификациялаш тизимини (MRV) яратиш ҳамда иссиқхона газлари ажратмалари бўйича ҳисобот беришни таъминлаш;

иқлим мониторинги тизимини ривожлантириш;

«яшил» технологияларни илгари суриш учун давлат-хусусий шериклик салоҳиятини ривожлантириш;

«яшил» инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларга, жумладан кичик бизнесга қўмак кўрсатиш;

товар (иш, хизмат)лар энергия-ресурс самарадорлигининг турли ҳисоблагичлари, спецификациялар каталогларини яратиш, шунингдек, товар (иш, хизмат)лар энергия-ресурс самарадорлигини сертификатлаштириш тизимини жорий этиш орқали давлат «яшил» харидларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

кадрлар малакасини ошириш, энергия ва ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш;

касбий кўникмаларга «яшил» иқтисодиётнинг ривожланиши билан қўйиладиган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда тармоқлар ходимлари, шу жумладан раҳбар ва муҳандислар таркиби хабардорлиги ва малакасини ошириш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат таълим дастурларини ишлаб чиқишда «яшил» иқтисодиёт асосларини ҳисобга олиш;

экоинновацион технологияларни янада самарали жорий этиш учун илмий-тадқиқот муассасаларининг кадрлар ва техник салоҳиятини ошириш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари билан боғлиқ соҳаларда тадқиқотларни ривожлантириш;

миллий ва хорижий илмий ташкилотларнинг «яшил» технологияларни илгари суриш соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

21. «Яшил» инвестицияларни қўллаб-қувватлаш:

«яшил» кредитлаш, венчур молиялаштириш тизимини жорий этиш;

«яшил» фондлар, энергия тежамкорлиги махсус фондлари ва бошқа худди шундай механизмлар яратиш;

«яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни фаоллаштириш, шунингдек, «яшил» инвестицияларга нисбатан банк тизимини рағбатлантириш;

фискал (хазинага оид) сиёсат орқали давлат томонидан «яшил» иқтисодиётнинг барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш.

4-боб. Амалга ошириш механизмлари

22. Стратегиянинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари миллий, тармоқ, соҳа режалари ва ривожланиш стратегияларида белгиланган тадбирлар воситасида амалга оширилади.

23. Стратегияни амалга оширишга барча манфаатдор томонлар, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор, шунингдек, аҳоли жалб қилинади.

24. «Яшил» иқтисодиётга ўтиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун Яшил иқлим жамғармаси, Мослашиш жамғармаси ва иқлим билан боғлиқ бошқа ресурслар маблағлари, шунингдек, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳамда бошқа чет эллик донорларнинг кредит ва грантлари жалб қилиниши мумкин.

5-боб. Кутилаётган натижалар

25. Стратегияни амалга ошириш натижасида 2030 йилга бориб қуйидагиларга эришиш кутилади:

иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш;

икки карра энергия самарадорлиги кўрсаткичини ошириш ва ялпи ички маҳсулот углевод сарфи ҳажмини камайтириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёнилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортни ривожлантириш;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20 — 40 фоизгача ошириш;

ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20 — 25 фоизгача ошириш.

26. Стратегияни амалга ошириш иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш соҳасида бошқарувни яхшилашга, табиий ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга, иссиқхона газларининг ажратмаларини камайтиришга, «яшил» энергиядан фойдаланишни таъминлашга, «яшил» иш ўринлари яратишга ва иқлим барқарорлигига эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодийни илгари суриш ва жорий қилиш
бўйича идоралараро кенгаш**

ТАРКИБИ

1. Б.А. Ходжаев — иқтисодий ва саноат вазири, *кенгаш раиси*
2. А.С. Султанов — энергетика вазири, *кенгаш раиси ўринбосари*
3. Б.Т. Қўчқоров — Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, *кенгаш раиси ўринбосари*
4. С.В. Самойлов — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
5. М.Х. Салиев — уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири
6. Ж.А. Ходжаев — қишлоқ хўжалиги вазири
7. Ш.Р. Хамраев — сув хўжалиги вазири
8. С.У. Умурзаков — инвестициялар ва ташқи савдо вазири
9. И.Ю. Абдурахмонов — инновацион ривожланиш вазири
10. Б.И. Закиров — қурилиш вазири
11. И.У. Маджидов — олий ва ўрта махсус таълим вазири
12. Н.Ж. Бакиров — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси
13. Б.А. Бегалов — Давлат статистика қўмитаси раиси
14. Т.А. Ишметов — молия вазирининг биринчи ўринбосари
15. И.Р. Махкамов — транспорт вазирининг биринчи ўринбосари
16. *Лавозими бўйича* — Гидрометеорология хизмати маркази бош директори
17. Б.С. Юлдашев — Фанлар академияси президенти
18. Б.К. Зарипов — «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раиси
19. О.Ш. Темиров — «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси

Изоҳ:

1) Идоралараро кенгаш аъзолари бошқа ишига ўтган тақдирда унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юклатилган шахслар киритилади;

2) зарур ҳолларда Идоралараро кенгаш ишига бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари жалб қилиниши мумкин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 07/19/4477/3867-сон)